# Qishloq hayoti

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 30-YANVAR, SHANBA, 13 (8564)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?!

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАДАЛ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАНЛИГИНИ ҲАР ЖАБҲАДАГИ ЮТУҚЛАРИМИЗ ДАЛИЛЛАБ ТУРИБДИ

*Халқимизда шундай ибора бор: довон ошган чўққини кўзлайди. Бу нақлнинг нақадар ҳаётийлигини тоғ йўлларидан юрган киши янада теранроқ англайди. Тоғ йўлидан кетаётган инсон бир қарашда кичик бўлиб кўринган қирликка ўрлашнинг ҳам ўзига хос машаққати борлигини яхши билади.*

*Довон ошаётган инсон шошилмай қадамларини ўйлаб-ўйлаб босиб бир маромда ҳаракат қилиб борар экан, янги ва янги манзараларни кашф этиб бораверади. Ана шу ҳиссиёт инсонни янада юқорироққа интилишга ундайди, куч ва мадад беради.*

*Давлатларни ҳам инсонга қиёс этса бўлади. Бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг босиб ўтаётган йўлини, дунёнинг ривожланган давлатларига бўйлашиб бораётган тараққиётини ана шу довон ошаётган, чўққини кўзлаётган инсон йўлига менгзаш мумкин.*

*Бу йўлда эса мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган, пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб тан олинган ўзимизга хос ва мос дастур муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.*





**ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ – АСОСИЙ МЕЗОН**

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Бу дунёдаги саноқли давлатлардагина кузатилган иқтисодий кўрсаткичдир. Бунинг устига мустақил ҳаётнинг дастлабки чорагидаёқ бундай натижаларга эришиш мамлакат, халқининг, қолаверса, Йўлбошчисининг тарихий жасорати маҳсулидир.

Ҳа, бу рақамлар фаровон ҳаётимизнинг ҳам ёрқин ифодаси. Унга истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мустаҳкам пойдевор қўйилган эди. Яъни энг қийин ва қалтис даврда қарийб 2,5 миллион оилага 400 минг гектар ер қўшимча томорқа сифатида берилганди. Бу эса ўша даврда ниҳоятда кескин муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнади. Меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, аҳолининг реал даромадини ошириш, энг муҳими, озиқ-овқат маҳсулотлари тури ва ҳажмини кўпайтиришга катта имкон яратганди.

Кейинчалик эса фермерлик ҳаракатининг ташкил этилиши аҳоли фаровонлигини таъминлашда кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Айни пайтда фермер хўжаликлари аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланди. Давлатимиз раҳбарининг бир неча йиллар олдин фермерлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаб айтган "Фермер бой бўлса – мамлакат обод бўлади", деган сўзлари замирида ҳам ана шундай ҳақиқат мужассам эди.

Ўтган даврда фермерларга яратиб берилган шароит ва имтиёзлар озиқ-овқат муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобидан ҳал қилиш имконини берди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг ички талаб ва шарт-шароитларимиздан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилиши натижасида аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминланишига эришилди.

(Давоми 2-саҳифада)





Фарғона вилояти

## ҚЎҚОНДА ГИПЕРМАРКЕТ

*Кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳридаги Шоҳруҳобод кўчасида уч қаватли замонавий гипермаркет фойдаланишга топширилди.*

Замонавий архитектура лойиҳаси асосида қад ростлаган савдо мажмуасининг биринчи қаватида озиқ-овқат, маиший техника жиҳозлари дўконлари, аёллар гўзаллик салони фаолият юрита бошлади. Мажмуанинг иккинчи қаватида эса болалар ҳамда катталарнинг кийим-кечаклари билан савдо қилувчи 68 та дўкон хизмат кўрсатмоқда.

Мажмуанинг учинчи қаватидаги 2000 метр квадрат майдонда ташкил этилган "Болалар майдончаси" нафақат вилоятда, балки Фарғона водийсида ҳам ягона бўлиб, бу ерда болаларнинг кўнглини шод этиш учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, 140 ўринли кинотеатр, замонавий ошхона, ресторан, катта ёшлилар учун мўлжалланган "PLAYSTATION" ўйинлар мажмуага ташриф буюрувчиларнинг ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилмоқда.

Мазкур замонавий гипермаркет – савдо мажмуасида 300 та янги иш ўрни яратилгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

Наманган вилояти

## БАРЧА ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

*Норин туманидаги "Norin mega Tech" масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен хомашёсидан ҳаво пуфакчали қадоқлаш ва ўрама маҳсулотлари тайёрланади.*

Мазкур ўрама маҳсулотлар ўзининг зарбни юмшатиши, пишиқлиги, нам тортмаслиги, иссиқ ва совуқдан ҳимоя қилиши, экологик хавфсизлиги, чиримаслиги каби хусусиятлари билан жаҳон стандартлари талабига тўла жавоб беради.

Корхонада ўтган йили 360 миллион сўмликдан зиёд қадоқлаш ва ўрама маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

– Иссиқлик энергиясини тежаш имкониятини берувчи, икки ва уч қаватли ҳаво пуфакчали плёнкалар иссиқхона билан шуғулланувчи деҳқон ва фермерларга ҳам маъқул келаётир, – дейди Марғизор қишлоғида истиқомат қилувчи тажрибали боғбон Тўхтасин Бектемиров.

Корхонада, шунингдек, тадбиркорлар ва савдо-сотиқ билан шуғулланувчи фуқароларнинг буюртмалари асосида турли ўлчамдаги пакетлар тайёрланиб, унга компьютерлаштирилган технология асосида буюртмачининг логотипи ва бошқа реклама маълумотлари ҳам тушириб берилмоқда.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**

Сирдарё вилояти

## ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

*Вилоятда аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, қишлоқларнинг обод ва файзли бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Агар 2009 йилда 5 та объектда тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари амалга оширилган бўлса, 2015 йилда 5 та тумандаги 55 та объектда бу ишлар адо этилиб, 32 минг кишидан иборат аҳолига зилол сув етказиб берилди. Жойларда 12 та тик қудуқ қазилиб, 21 таси таъмирланди.

Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган 16 та уй-жой массивига сув қувурларини тортиб келиш учун 3 миллиард 505 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Келгусида белгиланган дастурга кўра, 255 та аҳоли пунктида тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

ДИЛ СЎЗИ

*Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасини катта қизиқиш билан тинглар эканмиз, юртимизнинг тараққиёт пиллапояларидан шахдам одимлаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик.*

## ҚАЛБИМИЗ ЧЕКСИЗ ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

Қишлоқ ва шаҳарларимизда барпо этилаётган мактаб ва коллежлар, ишлаб чиқариш корхоналари, обод гузарлар, ҳашаматли уй-жойлар, савдо дўконлари ва бозорларимиздаги тўкин-сочинлик пухта ўйланган ислоҳотлар юксак самара бераётганидан далолат.

Президентимиз маърузасида эришилаётган ютуқларда биз, фермер ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг заҳматли меҳнати алоҳида тилга олинганлиги қалбимизни чексиз ифтихорга тўлдирди. Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганлиги эътироф этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ИЗЧИЛ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

### БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ВА ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ АСОСИ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ қишлоқ хўжалиги соҳасида хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб, фермерлик ҳаракати кенг йўлга қўйилди. Йиллар мобайнида олиб борилган ислоҳотлар натижасида ҳозирга келиб улар етарлича экин майдонига эга бўлган, юқори унумли замонавий техника ва илғор технологиялар билан таъминланган хўжаликларга айланди.**

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган пайтлар, яъни 1991 йилда республикамизда атиги 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этарди, холос. Шу боис, илгари аҳоли эҳтиёжи учун зарур дон ва ун маҳсулотлари четдан келтирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги муваффақиятларимиз замирида давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати мужассам эканлиги аён бўлади.

Хусусан, Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, қишлоқ мулкдорларига берилаётган имтиёз ва преференциялар уларнинг юксак марраларни забт этишига замин яратиб бермоқда. Ушбу ҳужжат асосида ўтган қисқа давр мобайнида фермер хўжаликларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мулкий муносабатларини ишончли ҳимоялаш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, соҳага самарали замонавий технологияларни жалб этиш, консалтинг марказлари тармоғи, шунингдек, кооперациясининг турли шаклларини ташкил қилиш ва кенгайтириш бўйича қатор ишлар қилинди.

Бинобарин, деҳқон ва фермерларимизнинг самарали меҳнатлари эвазига ўтган йиллар давомида ғалла ҳосилдорлиги 3, ялпи ҳосил 7 баробардан зиёдга кўпайди. Бу нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, балки хориж давлатларига ҳам дон экспорт қилиш имконини берди. Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган ғалла, пахта, пилла, мева, сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотларнинг асосий қисми фермерлик ҳаракати ҳиссасига тўғри келмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига пахта ва дон етиштириш ҳажми ортиб, ҳосилдорликнинг сезиларли даражада яхшиланишига эришилмоқда. Масалан, биргина ўтган 2015 йилда юртимиз далаларидан 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши самарасидир.

(Давоми 2-саҳифада)

## ДОВОН ОШАЁТГАН ПЎЛАТ ИЗЛАР...

### ОБОД МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАР

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида темир йўл соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада мазкур соҳада мисли кўрилмаган ишлар бажарилди. "Навоий – Учқудуқ – Мискин – Султон Увайстоғ – Нукус" йўналишидаги темир йўллар, Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприк, "Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон" йўналишидаги темир йўлларининг бунёд этилиши, "Тошкент – Самарқанд" йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатнови йўлга қўйилганлиги шулар жумласидан.*

Шунингдек, ўтган йилда "Мароқанд – Қарши" йўналишидаги темир излар электрлаштирилиб, "Afrosiyob" юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатнови йўлга қўйилган бўлса, "Самарқанд – Бухоро" йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун темир йўл қуриш ва электрлаштириш, "Навоий – Конимех – Мискин" янги темир йўл линиясини қуриш ишлари бошланган.



"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Равшан Икромовнинг маълумот беришича, ўтган йилда темир йўл орқали юк ташиш ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 2,5 фоизга ошган. 20,7 миллиондан ортиқ йўловчи ўз манзилларига етказилган. Шунингдек, ўтган даврда 347,7 миллион АҚШ долларига тенг экспорт хизматлари кўрсатилган. Тизим корхоналарида эса 388,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

2015 йилги Инвестиция дастурига киритилган 17 та лойиҳа бўйича 755,16 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди. Соҳада амалга оширилаётган ана шундай йирик лойиҳалардан бири – "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўл линиясидир. Унинг умумий узунлиги 123 километрдан ортиқ бўлиб, 19 километрлик темир йўл туннелини ҳам ўз ичига олган. Айтиш жоизки, мазкур электрлаштирилган темир йўл линиясининг 104 километрида барча қурилиш, электрлаштириш ишлари якунланди.

(Давоми 2-саҳифада)





Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.



# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Асрлар давомида ўз куч-қувватини йўқотиб келган ерга қайта куч-қувват бахш этилди, яъни унинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, агротехникаси юксак даражага кўтарилди.

Бугун фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигида, балки қишлоққа саноатни олиб кириш, эл маъмурчилигига саноат асосида ҳисса қўшиш, экспорт имкониятини ошириш йўлида ҳам фидойилик кўрсатишмоқда.

2015 йилда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун мукофотланган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Бу ҳаққоний эътироф юртимиздаги фаровон ҳаётга берилган муносиб таъриф, эл маъмурчилигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Бугун замон шиддати тез, ривожланиш ва тараққиёт жадал асрда дунёнинг бир қатор давлатларида озиқ-овқат танқислиги сезиляпти. Кўпгина юртларда озиқ-овқат муаммоси ўткирлашиб бормоқда. Шундай шароитда юртимиз бозорларидаги тўкинликни, маҳсулотларнинг арзонлигини, дастурхонимизда баракани таъминлаш учун изчиллик билан ислоҳотлар давом эттирилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз белгилаб берган устувор вазифалардан бирини қайд этмоқчимиз: 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш мўлжалланмоқда.

Буларнинг барчаси эртанги турмушимиз янада фаровон бўлишига қўйилаётган мустаҳкам заминдир, "Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги" тамойилининг ёрқин тимсолидир.

### ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Бозор айлансангиз, замонавий супермаркетларга кирсангиз, қадоқланган, қайта ишланган, консерваланган кўплаб маҳсулотлар, замонавий дизайндаги кийим-кечаклар, турфа хил саноат буюмларидан кўзингиз қувнайди. Ёрлиғига разм солганингизда эса "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгисини кўрасиз. Албатта, бу пайтда кўнглингиз фахр туйғусига тўлади. Унинг сифатини ҳис этганингизда яна бир бор қувонасиз. Буни деҳқончасига ифодалайдиган бўлсак, олдинлари хўрозқандни ҳам четдан олиб келган бўлсак, бугун, ҳатто, ўзимизнинг ошни ҳам қадоқлаб, хорижга экспорт қиляпмиз.

Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили асосида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бугун Ўзбекистон бир пайтлардаги фақат хомашё етиштирувчи республикадан саноати жадал ривожланаётган давлатга айланмоқда.

Бу жараёнда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қаратилган эътибор ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна рақамлар муқоясасида фикримизни давом эттирамиз. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан ҳозирги даврда 56,7 фоизга етди. Айни вақтда ушбу соҳада саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Бу соҳада эришилаётган ютуқларни нафақат бугун ҳаётимизда кўриб турибмиз, балки жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари юқори баҳоламоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Унинг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам ишбилармонларга кенг имкониятлар яратиш йўлидаги изчил ишларнинг самарасидир. Сирасини айтганда, мамлакатимизда мулкчилик шаклини тубдан ўзгартириш юзасидан олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишларнинг янги босқичи бошланмоқда. Бугун ишбилармонликнинг ҳадисини олган, ўтган даврда катта тажриба тўплаган тадбиркорлик субъектлари ана шу босқичга бемалол мослаша олади ва бу жараённи эплаб кетади. Бозор ислоҳотларига босқичма-босқич ўтишдан кўзланган мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

### НИМАИКИ ҚОНУНИЙ БЎЛСА, У – АДОЛАТЛИДИР

Донишмандларнинг ушбу нақли бугун ҳаётимизнинг, фаолиятимизнинг туб асосига сингиб бормоқда. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган "ўзбек модели"нинг асосий тамойилларидан бири – қонун устуворлигини таъминлаш асосида эркин фаолият юритиш ва ҳаёт кечириш учун мустаҳкам қонуний пойдевор яратилмоқда.

Ўтган йили АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган Гэллап институти томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деган мавзуда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, бизнинг мамлакатимиз дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллади.

Бу давлатимиз томонидан юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича бажарилаётган ишлар юксак даражага кўтарилгани халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётганининг ёрқин ифодасидир.


ЎзА суратлари.

Бу эътироф барча юртдошларимизни ниҳоятда тўлқинлантиради. Ахир шундай юртда, доруламон замонда бахтиёр яшаш дунёдаги барча халқларнинг орзуси эмасми?

Қаранг, мазкур 141 давлат рўйхатида қанчадан-қанча довруғи, обрўси, бойлиги, сиёсати билан дунёга жар солган юртлар бор. Аммо фуқаролари ҳаётида тинчлик, хотиржамлик бўлмаса, бу довруғу бойлик аҳолига татирмиди?

### ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ИСЛОҲОТЛАРИ

Истиқлол йилларида минглаб оилалар ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта замонавий уй-жойлар барпо этилди. Янги массивларда мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла гузарлари, савдо мажмуалари, мини-банк, деҳқон бозори, ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди. Жорий йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг қарорлари билан ташкил этилган "Қишлоққурилиш лойиҳа" лойиҳа-қидирув институти, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари ана шу жараёнда фаол иштирокчига айланди.

Айни пайтда Фарғона водийсига йўлингиз тушса, Қамчиқ довонидаги улкан қурилишларни кўриб, ҳайратга тушасиз. Бу ердан замонавий темирйўл ўтмоқда.

Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темирйўл ўтади, деса ҳеч ким ишонмасди. Чотқол тоғ тизмасининг баланд қоялари, чуқур сойликлари, пасту баланд адирлари узра поездлар қатнови тасаввурга сиғмас иш эди. Бунинг учун қоя ва харсангларни бўлаклаш, уюм-уюм тошларни ташиш, тоғни кесиш ва тешиш каби оғир, мураккаб жараёнлар бор эди. Аммо бугун бунёдкор халқимиз бунинг уддасидан чиқмоқда. Ўтган йилларда темирйўл қуриш борасида катта тажриба тўплаган темирйўлчиларимиз Фарғона водийсига элтувчи ушбу йўлни бунёд этишмоқда.

Янги йўл ишга туширилиши билан юкларни ташиш бир неча баробарга арзонлашиб, етказиб бериш муддати икки баробарга қисқаради.

Президентимиз раҳнамолигида соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари ана шундай узоқни кўзлаган хайрли ва истиқболли ишлар бўлиб, бу йўналишдаги ҳаракатлар мамлакат иқтисодиёти эндигина ривожланиш босқичига кирган 1995 йилдаёқ бошланган эди. Яъни темирйўллар тизимида шу каби йирик қурилишларнинг дастлабкиси "Навоий –Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус" лойиҳаси бўлди. Амударё узра қад ростлаган узунлиги қарийб 700 метрлик муҳташам кўприк Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини юртимизнинг барча ҳудудлари билан боғлаб, пойтахтимиздан Оролбўйи минтақасига қатновчи поездлар ҳаракат вақтини 5,5 соатга, масофани эса 300 километрга қисқартириш имконини берди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай 2007 йилда Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот – "Аср қурилиши" дея ном берилган "Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон" темирйўли қуриб битказилди. Мазкур йўл юк ва йўловчи ташиш масофасини 170 километрга қисқартирди, темирйўл атрофида кўплаб саноат объектлари бунёд қилинди, минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан ўтказилаётган изчил ислоҳотлар юртимизда инсон манфаатлари юксак кўтарилишига, халқимиз фаровонлиги янада ошишига хизмат қилмоқда.

### ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ

Юртимизда инсон қадри барча нарсадан улуғланади, инсон манфаатлари бош тамойил ҳисобланади.

Тарихан қисқа давр – йигирма беш йилда эришган ютуқларимизни тасаввур этсак, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик", деган саволни ўзимизга берсак, сирасини айтганда, кечаги турмушимиз билан бугунги ҳаётимизни муқояса қилсак, буни янада ёрқинроқ англаймиз.

Юртдошларимизнинг барча эзгу мақсадлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Сиҳат-саломатлик йили, Ижтимоий ҳимоя йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йили, Соғлом бола йили, Кексаларни эъзозлаш йили деб ном олган йиллар муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари асосида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу йўналишдаги ишлар, энг муҳими, аҳоли ўртасида ижтимоий табақаланиш кескинлашувининг олдини олмоқда, даромадларнинг барқарорлашувини таъминламоқда. Айни шу даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган халқаро кўрсаткич – Жини индекси ҳам бу ҳолни янада ёрқин ифода этади. Ушбу индекс мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча паст кўрсаткичдир.

Муҳими, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳар доим давлатимизнинг эътиборида. Жорий йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилиши режалаштирилгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

### БАХТИЁР ИНСОНЛАР ЮРТИ

Бахтнинг мезони борми? Бахтиёр инсон деб кимни айтиш мумкин? Инсониятни минг йиллар давомида ўйлантириб келаётган, доимо мушоҳадага чорлайдиган бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Кимдир бахт фаровонликда деса, кимдир бахт қувончда, деб ўз фикрини илгари суради. Яна кимдир бахт эркинликда, дея тарихдан мисоллар келтиради. Аслини олганда эса уларнинг барчаси, тўғридир. Аммо уларнинг барчасини бирлаштириб турадиган, барчасининг илдизи бўлган бир неъмат борки, унинг номини тинчлик дейишади.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида ана шу неъмат боис, тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Тараққиёт эса фаровонлик ва бахт мезонларини белгилаб бермоқда. Дунёдаги нуфузли ташкилотларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Бу бахтга халқимиз осонликча эришгани йўқ. Унинг ортида оғир меҳнатлар, юрт тақдири ва эл фаровонлиги йўлида ўтган ҳаловатсиз кечалар, давлатимиз раҳбарининг – узоқни ўйлаб олиб бораётган оқилона ва пухта сиёсати турибди. Бугун тараққиёт довонларини босиб ўтар эканмиз, уларда ҳаётимизга мазмун ва файз бериб турадиган янги манзараларни кашф этиб бормоқдамиз. Эртанги кунга ишончимиз эса янги довонларни забт этишга бўлган иштиёқимизни янада кучайтирмоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

# ИЗЧИЛ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ВА ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ АСОСИ

(Боши 1-саҳифада)

Дунё ҳамжамияти томонидан ривожланишнинг "ўзбек модели" дея эътироф этилаётган ўзимизга хос тараққиёт йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришлар самараси ўлароқ, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, мамлакатимизда 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган **"Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади. Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди"** деган сўзлари юқоридаги фикрларимиз исботидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда дунёда аҳолининг тобора ўсиб бораётгани истеъмол товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Шу боис, барча мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига энг устувор вазифа сифатида қаралаяпти. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, ҳозирги кунда 80 дан зиёд давлатлар ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлай олмайди. Бу жаҳондаги бир миллиардга яқин киши тўйиб овқат емайди, деганидир.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжатга кўра, пахта экиладиган майдонлар қарийб 100 минг гектарга қисқартирилиб, бўшаган майдонларга сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озуқа экинлари жойлаштирилди. Натижада ушбу саъй-ҳаракатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келган ўша йилларда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини бартараф этиш, нархлар ошиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида 2015 йилда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий совитиш иншоотлари барпо этиш кўламини кенгайтиришга хизмат қилди. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Айниқса, мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилганлиги юртимизда йил давомида нархлар барқарорлигини таъминлаб, аҳолига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, шунингдек, мазкур йўналишдаги экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш мақсадида фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзига хос масъулиятли бўлган бу муҳим ишни амалга оширишда депутатлар корпуси, Фермерлар кенгаши ва жамоатчилик фаолияти ер майдонлари ҳажмини аниқлашда субъектив ёндашувларга йўл қўймаслик, ноқонуний ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўринга эга бўлди. Бунга мувофиқ, қарорни туман ҳокими эмас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси бўйича халқ депутатлари туман кенгашлари қабул қилиши йўлга қўйилди. Уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида энг кўп фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди. Албатта, бу юртимиз аҳолисини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ушбу ҳаракатлар натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, замонавий технологиялар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 2030 йилда 5,7 мартага кўпайтириш ҳам режалаштирилган. Ўз ўрнида, шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, 2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари томонидан юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юксак баҳоланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аграр тизимда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, қўлга киритилган ижобий натижалар республикамиз иқтисодиётини тобора мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши билан аҳамиятлидир.

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**Сиддиқ АБДУБОҚИЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари.*

# ҚАЛБИМИЗ ЧЕКСИЗ ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, барча соҳаларда кечаётган янгиланиш ва таркибий ўзгаришлар, модернизациялаш ҳамда тадбиркор, фермерларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ютуқларимиз салмоғини янада оширмоқда. Бугун фермерлар ҳосилдорликни ошириши баробарида, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, кўп тармоқлиликни йўлга қўйиш борасида ҳам қувонарли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Аввал хўжалигимиз пахта, ғалла етиштириш йўналишида фаолият кўрсатган бўлса, кейинчалик зотли моллар боқиладиган замонавий фермани ишга туширдик. Шу мақсадда 2014 йил хориждан 100 бош ғунажин олиб келдик. 2015 йилда бу ҳаракатларимизни давом эттириб яна 100 бош наслли қорамол келтирдик. Ҳозир даслаб олиб келган ғунажинлардан зотли бузоқ оляпмиз ва келгусида шу ернинг ўзида сутни қайта ишлаш цехини ишга тушириш чораларини кўряпмиз. Фермамиз ёнида янги Гулистон деҳқон бозори қурилишининг бошлаб юборилиб, шу йилнинг ўзида ишга тушириш тадоригининг кўрилаётганлиги қайта ишланган сут маҳсулотларимизни аҳолига тортиқ этиш имконини янада кенгайтиради.

Яна бир муҳим жиҳати, тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, Гулистон шаҳрида аҳолига енгил автомашиналарда намунали хизмат кўрсатадиган автопарк фаолиятини ҳам кенг йўлга қўйганмиз. 20 дан ошиқ таксиларимиз йўловчиларни вилоятнинг исталган манзилига етказиб қўйиб, улар мушкулини енгиллаштирмоқда. Хўжалигимизда 50 нафардан кўпроқ одам доимий иш билан таъминланган. Аҳилликда ва узоқни кўзлаб қилаётган ҳаракатларимиз ютуқларимиз салмоғини янада оширмоқда.

**Шукуржон РАҲМОНБЕРДИЕВ,**
*Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги кўп тармоқли "Ҳақберди самараси" фермер хўжалиги раҳбари.*

# ДОВОН ОШАЁТГАН ПЎЛАТ ИЗЛАР...

(Боши 1-саҳифада)

– Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йилда жамиятимиз корхоналарида янги юк ва йўловчи вагонлари қуриш, ҳаракатдаги таркибни таъмирлаш, модернизация қилиш, қайта тиклаш бўйича 24 та лойиҳа амалга оширилди, – дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Нусратилло Абдуллаев. – Хусусан, Тошкент қуюв механика заводида 50 дона ёпиқ, 278 дона ярим очиқ вагон, Андижон механика заводида 50 дона вагон-цистерна, 272 дона ярим очиқ вагон ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки иштирокида "Локомотивлар паркини янгилаш. 11 юк электровозини харид қилиш. 2-босқич" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Хитойда ишлаб чиқарилган ўн бир дона "O'z-ELR" электровози мамлакатимизга олиб келинди. Бугунги кунга келиб, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти Локомотивлар паркининг 50 фоизидан ортиғи янгиланган.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 2015 йил ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва жорий йилдаги режаларига бағишланган матбуот анжуманида шу ютуқларимиз ҳақида сўз борди.

Анжуман давомида иштирокчиларга жорий йилда инвестиция дастурига асосан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан 28 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилганлиги айтилди. Ушбу лойиҳага 799,22 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилиш белгиланган. Хусусан, Марказий Осиёда ягона бўлган "Ангрен – Поп" электрлаштирилган янги темир йўли қурилишини якунлаш, юқори тезликда ҳаракатланувчи электровозлар харид қилиш ва "Самарқанд – Бухоро" йўналишида уларнинг қатновини йўлга қўйиш, "Поп – Қўқон – Андижон" ҳамда "Қарши – Термиз" темир йўл линияларини электрлаштириш ишларини давом эттириш каби қатор лойиҳалар кўзда тутилган.

**Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

# ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ ТАНЛОВИ

*Жиззах шаҳрида анъанавий “Намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

Унда сўз олганлар ички ишлар тизимини такомиллаштириш, милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва ижтимоий кўникма марказлари ишини жонлантиришга оид ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Танлов жараёнида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, жанговар тайёргарлиги, милиция таянч пунктларининг замон талабларига мослиги баҳоланди. Шунингдек, танлов қатнашчиларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқалари, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга жалб қилиш борасидаги ишлари ҳам ҳакамлар ҳайъати эътиборида бўлди.

Натижаларга кўра, биринчи ўринни Арнасой тумани Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 47-сонли милиция таянч пункти жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин Пахтакор туманининг “Тошкент” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 145-сонли милиция таянч пункти вакилларига насиб этди. Жиззах туманининг “Қўшбармоқ” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 38-сонли милиция таянч пункти инспекторлари учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

– Вилоятимизда 145 та милиция таянч пунктлари мавжуд, – дейди танловда энг юқори кўрсаткичга эришган профилактика инспектори Шуҳрат Пардаев. – Мазкур пунктларда барча зарурий шароитларнинг яратилганлиги ички ишлар ходимларининг фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Милиция таянч пунктларининг фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашганлигини соҳа вакилларининг аҳоли билан жипслигини кучайтириш, пировардида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу каби танловлар профилактика инспекторлари ўртасида ижобий маънодаги рақобатни кучайтириш, уларни рағбатлантириш ва масъулиятини янада ошириш учун омил бўлади.

Тадбир якунида ғолибларга кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

Тошкент Вилояти

# САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАРҒИБОТ

